

## Муқаддас бурч

“Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш асосий вазифамиз, муқаддас инсоний бурчимиздир,” - дея эътироф этган эдилар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

2018 йил 27 январь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация” факультети “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси мудирлари Мухайё Байбаева, доцент Тўйчи Бойтўраев, катта ўқитувчи З.С.Мирходжаева, асистент Байрамали Муқимов, Алишер Жуманов, тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротовлар томонидан режа асосида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 80 йиллиги юбилейи муносабати билан “Мустақиллик асосчиси” деб номланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда 25 йил ичида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти учун қўшган ҳиссалари, Мустақилликка эришишда олиб борган хизматлари, ёшлар учун кўрсатган имтиёз ва имкониятлари ҳақида ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан очилган мемориал ва музей ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.



**4-сонли ТТЖ тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**